



# ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

# ОҚШОМИ

2020 йил 22 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

№ 11 (14.062)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

### Тошкент шаҳрида 21 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Депутатлар ва сенаторлар қўшма мажлиси бўйича муваққат котибият ва мажлисда электрон тизимдан фойдаланиш устидан назорат гуруҳини сайладилар, кун тартиби тасдиқланди.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш юзасидан устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада муҳим тақдирларни илгари суриб, уларни амалга ошириш бўйича янгидан тасдиқланган ҳукумат олдига турган асосий вазифалар ҳусусида тўхталди.

Кўнун қиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорликни мустақим янги босқичга олиб чиқиш, ижроия органлари раҳбарларининг Олий Мажлис палаталари олдидagi ҳисобдорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Бош вазир номзоди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партия томонидан ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларига сазовор бўлган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловда 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллаган эди. Партиянинг яқинда бўлиб ўтган Сиёсий Кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига Абдулла Арипов номзодини тавсия этди.

Абдулла Арипов қўшма мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури ҳақида нутқ сўзлади.

Мажлисда сўзга чиққанлар Президентимизнинг маърузасида баён этилган устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тавсия этилган номзодни маъқуладилар.

Олий Мажлис палаталари Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз иштини яқунлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Авал хабар қилингандек, шу йил 20 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Қўйида ана шу нутқ матни эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Ассалому алайкум, ҳурматли Сенат аъзолари! Қадрли дўстлар!  
Авалло, сизларни сайловларда ғолиб бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Олий Мажлис юқори палатасининг аввалги таркибиди сизлар билан фаолият олиб борган сенаторларга барчамизнинг номимиздан миннатдорчилик билдираман.

Албатта, олий вақиллик органи аъзоси бўлиш ҳар бир сенатор учун нафақат катта шараф, балки улкан масъулият ҳам эканини барчангиз яхши тушунасиниз.

Сенатор – бу аввало халқ ва давлат ишончини қозонган инсон. У чуқур билим, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, тинимсиз меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб яшайдиган, халқ манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйиб, ўз тақдирини эл-юрт тақдирини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадиган шахсдир.

Биз сизларнинг тимсолинғизда ана шундай етук ва фаол шахсларни тасаввур қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, Сенатнинг янги таркиби анча юқори профессионал даражада шаклланди. Буни Сенат аъзоларининг 20 нафарини иқтисодчилар, 19 нафарини муҳандислар, 13 нафарини педагоглар, 7 нафарини ҳуқуқшунослар, 6 нафарини тиббиёт ходимлари, 5 нафарини агрономлар, 4 нафарини журналистлар ҳамда 12 нафарини жамоат ташкилотлари вақиллари ташкил этгани, уларнинг орасида 16 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзоди мавжудлиги ҳам таъкидлайди.

Шунингдек, Сенат аъзоларининг салкам 25 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, бу эса юқори палатанинг фаолияти янгилашга ва қарашлар асосида ташкил этилишидан далолат беради.

Хурматли мажлис иштирокчилари!  
Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққийетининг янги босқичига қадам қўйган кейинги уч йил Сенат учун ҳам ўзига хос туб янгилиниш ва ўзгаришлар даври бўлди. Сенат томонидан кўриб чиқилган қонунлар сони қариб 230 тага етгани ва шундан 190 та қонун сўнгги уч йилда маъқуллангани ушбу йўналишда катта иш қилинганини кўрсатади.

Бу борадаги ижобий ўзгаришлар нафақат қонуларнинг сони, балки уларнинг сифати билан ҳам боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Сенат кўмиталари томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва улар қўллаб-қувватлаш масалалар ечимига хизмат қилганини таъкидлаш лозим. Мисол учун, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг суғурга бозори самардорлигини оширишга қаратилган тақлифлари мазкур соҳани такомиллаштиришга оид муҳим қарорларда ўз ифодасини топди.

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳам кенг жамоатчилик томонидан билдирилган тақлифларни инобатга олиб, муҳим ташаббусни илгари сурди. Ҳозирги вақтда шу асосда тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда. Энг муҳими, уларни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Хурматли мажлис иштирокчилари!  
Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққийетининг янги босқичига қадам қўйган кейинги уч йил Сенат учун ҳам ўзига хос туб янгилиниш ва ўзгаришлар даври бўлди. Сенат томонидан кўриб чиқилган қонунлар сони қариб 230 тага етгани ва шундан 190 та қонун сўнгги уч йилда маъқуллангани ушбу йўналишда катта иш қилинганини кўрсатади.

Бу борадаги ижобий ўзгаришлар нафақат қонуларнинг сони, балки уларнинг сифати билан ҳам боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Сенат кўмиталари томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва улар қўллаб-қувватлаш масалалар ечимига хизмат қилганини таъкидлаш лозим. Мисол учун, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг суғурга бозори самардорлигини оширишга қаратилган тақлифлари мазкур соҳани такомиллаштиришга оид муҳим қарорларда ўз ифодасини топди.

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳам кенг жамоатчилик томонидан билдирилган тақлифларни инобатга олиб, муҳим ташаббусни илгари сурди. Ҳозирги вақтда шу асосда тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда. Энг муҳими, уларни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Бундан ташқари, Сенатда ички ишлар ва ташқи ишлар вазирларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Сенатнинг ялпи маж-лисарида вилоят ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш тартиби жорий этилгани парламентар назорати соҳасидаги катта амалий натижа, дейиш мумкин.

Шунингдек, халқаро муносабатлар соҳасидаги ўзаро хурмат ва ишонгга асосланган ҳамкорлик ифодаси сифатида Сенатда 25 та парламентлараро гуруҳ ва 2 та комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Хурматли сенаторлар!  
Юқори палата ишининг самардорлигини ошириш мақсадида яқин ва узоқ истиқболда қўйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали тизимини яратишимиз лозим.

Уч йил олдин сенаторлар томонидан, бевоқифа жойларга чиққан ҳолда, худудлардаги муаммоларни ўрганиш ва маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бирок, ҳозирча бу биз кутган натижаларни берди, деб айта олмаймиз. Жойларда ҳали жуда кўп муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Масалан, йўл қурилиши соҳасида жами 184 миң километр бўлган автомобиль йўллари 70 миң километри ёки 38 фоизи қайта қуришга муҳтож.

Одамларнинг энг кўп эътирозига сабаб бўлаётган коммунал хизмат соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ҳам бир қатор муаммолар кузатишмоқда. Масалан, мавжуд 633 та қозонхонанинг 25 фоизи ҳамда 4 миң километр иссиқлик тармоғининг 75 фоизи яроқсиз ахволда.

Энг ачинарлиси, республикамызда марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси атиги 68 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарь, Сурхондарь ва Хоразм вилоятларида 60 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Шахарсозлик соҳасида мамлакатимизда 1 миң 200 та аҳоли пунктдан фақат 232 таси ёки 19 фоизи бош режасига эга. Соғлиқни сақлаш соҳасида республикамыз бўйича 13 миңта умумий амалиёт врачлари ва тор йўналишдаги мутахассислар етишмайди.

2019-2020 ўқув йилида умумтаълим мактабларида 2 миң 700 дан ортиқ педагог кадрларга эхтиёж мавжуд бўлса, мактабларнинг жиҳозланиш даражаси 79 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, 3 миңта мактабда ичимлик суви ташиб келтирилмади, 261 та мактаб эса сув билан таъминланмаган.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 8,9 фоизни, аёллар ўртасида 12,5 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 2 миң 400 та меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Шунга қарамадан, иш излаганларнинг жуда кам қисми ишга жойлаштирилган.

Албатта, узоқ вақт давомида халқ билан яқиндан мулоқот қилинмагани, унинг дарду ташвишларини атрофлича ўрганиб, ҳал этиш чораларни қўрилмагани оқибатида мана шундай ижтимоий муаммолар тўпланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Биз бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида муҳим дастурлар қабул қилиб, шу асосда катта ишларни амалга ошираётганимиздан, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз. Бу муаммоларни

тўлиқ бартараф этиш учун албатта вақт керак, улкан маблаг ва куч-имкониятлар зарур. Марказда ва жойларда ижро органларининг бутун фаолияти ана шу масалаларга қаратилаётгани ҳам сизларга яхши маълум.

Ўз навбатида, сенаторларимиз ҳам бу борада ташаббус ва ташкилотчиликни ўз қўлларига олиб, аниқ тақлифлар киритсалар, айни муддао бўлар эди. Шу боис, Сенатнинг ҳар бир кўмитаси ўз фаолият режасини худудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши лозим.

Айниқса, Сенатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Чунки, юқорида санаб ўтилган барча муаммолар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Шунингдек, ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вақиллик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва кўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш зарур. Бу амалиёт аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради.

Иккинчидан, ислохотларимизнинг бугунги босқичи Ҳукумат, барча вақиллик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар олдига кескин талаблар қўймоқда. Бу талаблар қонунларда, Президент қонунлари ва қарорларида, турли давлат ва худудий дастурларда ўз ифодасини топган.

Шунинг учун вақиллик ва идоралар раҳбарлари кўпроқ худудларда бўлиб, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаб олимоқда. Лекин, уларнинг ижросини ким назорат қилади? Албатта, халқ ишончига сазовор бўлган сенаторлар бу борада асосий ташаббускор бўлиб, масъулиятни ўз зиммасига олишлари зарур.

Шу нуктага назардан қараганда, Сенат вақиллик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимларнинг мазкур чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботи мунтазам муҳокама қилиб бориши лозим. Бу жараёнда ҳисобот шунчаки ҳисобот учун бўлиб қолмаслиги керак. Ақинча, ҳисоботлар муҳокама-масидан сўнг муайян соҳа ёки худудда аниқ ўзгаришлар бўлиши зарур.

Ўйлайманки, парламентар назорати натижалари асосида фаолияти қониқарсиз, деб топилган раҳбарларнинг лавозимда қолиш ёки қолмаслик масаласи бўйича Сенат томонидан Ҳукумат олдига масала қўядиган ва таъсирчан чоралар кўрадиган вақт келди.

Амалдаги қонунларга асосан Сенат парламентар назорати натижалари бўйича ҳатто Ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Президентга тақлиф киритиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли Сенат аъзоларига мурожаат қилиб айтмоқчиман: аниқ таҳлил ва асослар билан киритилган тақлифларнинг мен кўриб чиқишга тайёрман.

**Учинчидан**, ёшлар ва таълим масалалари Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Абдулла Авлониёвнинг **“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё наҳот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”**, деган сўзларини тақрор ва тақрор айтишдан чарчамайман. Нега деганда, бу фикр бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим.

Ёшларимиз кимнинг авлодлари эканини чуқур англашлари керак. Айни вақтда бугунги ислохот ва ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаётганини билишлари зарур.

(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:  
1. **Арипов** Абдулла Нигматович Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини этиб тасдиқлансин.  
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.  
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг Спикери  
**Н.Исмоилов**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 21 январь

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:  
1. **Арипов** Абдулла Нигматович Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини этиб тасдиқлансин.  
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.  
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси  
**Т.Нарбаева**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 21 январь

салоҳи  
**XXI**  
Барча манбалардан олинган сўнги маълумотлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**  
• Тошкент шаҳридаги Инха университетида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, касбухона коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Қизилқарни математика” фестивали бўлиб ўтмоқда. Ҳар йили ўтказишни аънаъна тусини олган уч кунлик ўқув-амалий фестиваль очилиши

маросимида Тошкент шаҳридаги Инха университети вақиллари, Қорейнинг ўқитувчилар учун математика маданияти тақдиротлари жамияти раҳбари Мун Сонг Ким иштирок этди.

• Андижонда оилаларни мустаҳкамлаш, нотинч оилалардаги муаммо ва низолатлари бартараф этиш, ажрашилганнинг олдини олиш, ажрашилган ёқасида турган оилаларни яраштириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Жиззах вилояти Фориш тумани прокурорининг ташаббуси билан худуддаги Яссиқечув маҳалласидаги 72-умумтаълим мактабида 4 та сектор раҳбарларининг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда фақат ушбу сектордаги эмас, туманининг барча худудларидан ёшлар иштирок этди.

**ЖАҲОНДА**

• АҚШнинг Пердью университети олимлари ўз рекордларини янгиллаштиди. Гап шундаки, улар 2018 йилда дунёдаги энг тез айланувчи жисмин яраттишган. Ушбу жисм дақиқасига 60 млрд. марта айлана олган. Энди эса шу олимлар жамоаси ўз рекордини 5 марта яхшилашди. Аввалги тажрибадаги каби жисм ўзидан вакуумда муаллақ турган кремнезёмнинг гантел кўринишидаги нанозаррасини акс эттирган. Нанозаррани айланитириш учун иккита лазер қўлланган. Битта лазер уни жойида ушлаб турган, иккинчиси эса айланитирган. Ёруғлик фотонлари жисмга тушганда, унга радиациявий босим каби маълум бўлган куч берган.

• Хитойда янги турдаги коронавируснинг одамдан одамга юқишининг тасдиқланган ҳолатлари мавжуд, шунингдек, 14 тиббий ходим ушбу вирус билан зарарланган. Бу ҳақда Хитойнинг соғлиқни сақлаш масалалари бўйича давлат кўмитаси экспертлари махсус комиссияси раҳбари Чжун Наньшань маълум қилди. “Ҳозирда мавжуд маълумотларга кўра, янги турдаги коронавирус одамдан одамга аниқ ўтади. Гуандун провинциясида иккита шундай ҳолат қайд этилган. Вирусни юқтирганлар Уханга боришмаган, бироқ уларнинг оила аъзолари боришган ва у ерда вирус юқтириб оlishган. Шу сабабли, ушбу вирус одамдан одамга юқади, деб аниқ айтиш мумкин”, деб айтган мутахассис. Унинг таъкидлашича, тиббий ходимларнинг ҳам зарарланиш ҳолатлари қайд этилган.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яқинда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш яшаш бўйича улкан мақсадларни белгилаб олдик. Хусусан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун шароит яратиш, қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқариш, айниқса, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг муаммолари билан мунтазам равишда шуғулланиш, қиз болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ижросини Сенат назорат қилиб, мутасадди раҳбарларнинг ёшлар муаммоларини ҳал этиш борасидаги фаолиятига оид ҳисоботларини эшитиб, тегишли чоралар кўриб борса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Тўртинчидан**, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси сифатида Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиши ва унинг ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиши зарур.

Биз 2020 йил учун Давлат бюджетини биринчи марта қонун билан тасдиқлаш амалиётини бошладик. Конституциямизга мувофиқ, бюджетни қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади.

Аммо, қонунларда бюджет ижросини фақат Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш тартиблари белгиланган. Ажратилаётган маблағларнинг ваазирлик ва идоралар бўйича, айниқса, ҳудудлар кесимидаги ижросини ўрганиш Сенатнинг ҳам асосий вазифаси бўлиши лозим. Шу муносабат билан қонуларга тегишли тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Сизларга яхши маълумки, Қонунчилик палатасида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилган эди. Бу қисқа мuddатда ўзининг дастлабки ижобий натижаларини кўрсата бошлади. Юқори палатамизда ҳам ана шундай фаолиятни амалга ошириш мақсадида Сенатда алоҳида тузилма ташкил этишни тақдир қиламан. Ушбу тузилма Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёналари устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда назорат олиб боришда сенаторларнинг асосий кўмакчиси бўлади, деб ишонаман.

**Бешинчидан**, жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда парламент сўрови институтидан самарали фойдаланиш зарур.

2010–2014 йилларда Сенат томонидан атиги 3 та парламент сўрови юборилган бўлса, сўнгги беш йилда 26 та парламент сўрови ва 700 дан ортиқ сенатор сўрови юборилган. Келгусида парламент сўрови алоҳида вилоят, туман, шаҳар мақсадидаги долзарб масалаларни ҳам қамраб олиш, мақсадга мувофиқ бўларди. Бирок, сенатор сўровларининг сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича ҳали олдимизда кўп ишлар турибди.

Афсуски, давлат бошқаруви органлари томонидан сенаторларнинг сўровларига жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Тасдиқлаб айтмоқчиман, **сенатор сўровига бепасандлик** — бу халққа бўлган бепасандлик, деб баҳоланиши керак. Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун сенатор сўровини ҳудудлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш, унинг натижасига оид ахборотини Сенатнинг қўмита мажлислари ва ялпи мажлисларида муҳокама қилиш зарур.

**Олтинчидан**, Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак кўрсатиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш лозим.

Афсуски, бугунги кунда юқори палатамизнинг бу борадаги фаолияти сустлигича қолмоқда. Энг ачинарлиси, маҳаллий Кенгашлар ҳудудлардаги долзарб масалалар ечимини топишда ўз ваколатларидан деярли фойдаланмаётган.

Маълумки, сўнгги даврда, айниқса, охириги уч йилда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, ҳоким, ҳоким ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солиқ ва соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди.

Қонунчиликда маҳаллий Кенгашларга бундай кенг ваколатлар берилган бўлса-да, амалда уларнинг натижаси кўринмаяпти. Сенат қўмиталари маҳаллий Кенгашлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Кенгашлар фаолият самарадорлигини оширишда мен, биринчи навбатда, сиз, мухтарам сенаторларга суюнаман. Шунинг учун доимий асосда ишлайдиган сенаторларни маҳаллий Кенгашларга бириктиришни назарда тутадиган янги тизим яратиш лозим. Буни сайловларда кузатувчи бўлиб иштирок этган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам тавсия эттишган.

Аслида сенаторлар ҳудудлар манфаатини ҳимоя қиладилар. Шунинг учун сенаторларимиз ҳар ойда биттадан маҳаллий Кенгаши намунавий ишлайдиган қилиб берсалар, албатта халқимиз улардан рози бўлади.

Шу муносабат билан маҳаллий Кенгашларда сенаторнинг кабинетини ташкил этиш ўринли бўлади. Шу билан бирга, Сенат Раиси, ҳудудларда барча сенаторларни жалб қилган ҳолда, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тизимли ўқувини ташкил этиш амалиётини жорий этиши лозим.

Сенат Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда, мутлақо янги бўлган тизимини, яъни Сенаторлар мактабини шакллантириши керак. Чунки, **жойларда депутатлар корпуси қанчалик кучли бўлса, маҳаллий Кенгашлар ва албатта Сенат ҳам шунчалик кучли бўлади.**

Ҳурматли сенаторлар, мен сизларнинг ҳар бирингизини кўпни кўрган, халқ ичида катта обрў-эътиборга эга, жойлардаги муаммоларни ва уларни ҳал қилиш йўллари яхши биладиган одамлар

деб биламан. Барчангиз фидокор ва ташаббускор бўлиб, ўз амалий ишларингиз билан сенатор сифатида мамлакатимиз тарихида ном қолдиришингизни истайман.

Энди ижро ҳокимияти ёмон ишламоқда, деб нолиб ўтирадиган вақт ўтди. Ижро органи фаолияти устидан ким назорат олиб бориши керак? Аввало, сенаторлар эмасми?

Куйи кенгашлар қанчалик фаол бўлса, Сенатнинг иши шунча самарали бўлади. Жойлардаги ижро органларини фаол ишлатиш кўп жиҳатдан сенаторларимизга боғлиқ.

Сенаторлар жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиши, мамлакатимиз даражасида ҳал қилинадиган масалаларни Сенат муҳокамасига киритиб бориши керак. Ушбу фаолиятини самарали ташкил этиш ва маҳаллий Кенгашларнинг иш сифатини ошириш мақсадида уларда доимий асосда ишлайдиган котибиат ташкил этишни тақдир қиламан.

Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Кенгашларга ваазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан тақдир қилиш ваколатини берсак, нима дейсизлар?

Маълумки, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунда Кенгашларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари Олий Мажлис томонидан белгиланган тартибда бекор қилиниши назарда тутилган. Бирок, шу кунга қадар ушбу нормани амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси эканини инобатга олиб, Кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ваколатини юқори палатага бериш тўғриси бўлади, деб ўйлайман.

**Еттинчидан**, коррупцияга қарши кескин курашиш муҳитини яратишда Сенатнинг ролини кучайтириш зарур.

Бугунги кунда давлат хизматчилари, ҳатто юқори лавозимлардаги мусул шохлар томонидан содир этилаётган коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳам фош этилмоқда. Бу ҳақдаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Айниқса, муайян ҳудуд тақдир ишониб топширилган айрим мансабдорларнинг пора-хўрлик ва коррупция жиноятига қўл ураётгани ташвишли ҳолдир.

Жойлардаги раҳбарларнинг қонунга зид фаолияти доимо ҳудудларда фаолият олиб бораётган сенаторларнинг эътибор марказида бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сенатор коррупцияга қарши курашининг олдинги сафларига бўлиши шарт. Сенат аъзолари жамиятда кизгин баҳсларга сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан, ялпи мажлисини кутиб ўтирмастан, тезкор ашитувлар ташкил этиб, мутасадди шахслардан изоҳ талаб қилиши зарур.

**Саккинчидан**, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш масаласи Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Сўнгги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик. Бирок, бу соҳада олдимизда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Масалан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича жиноят содир этган 47 миңдан ортиқ шахснинг 12 миң нафарни ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этган.

Бу кўрсаткич Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 39 фоиздан иборат бўлса, Андижон ва Наманган вилоятларида 38 фоиздан ошган. Лекин, миңга афсуски, ана шу вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Сенатнинг сайёр мажлислари ўтказилиб, бундай ўта ташвишли ҳолат жиҳдий муҳокама қилинмаган. Ҳамама четда томошабин бўлиб ўтирибди.

Узингиз айтинг, бу аҳволда эртага қандай вазиятга тушиб қоламиз?

Бундай беларволик ва эътиборсизлик энди тарихда қолиши керак. Янги сенаторларимиз ҳар бир масала бўйича тезкор муносабат билдиришлари ва зарур чора-тадбирлар кўриб боришлари лозим.

Бундан ташқари, безорилик ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар соани ортиб бормоқда. Шунинг учун жойларда жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган идоралар фаолиятини сенаторларнинг доимий назоратида бўлиши лозим.

Хабарингиз бор, сўнгги 3 йилда ўз қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қарай ўтган 4 миңдан ортиқ шахс афв этилиб, ўз яқинлари бағрига қайтарилди. Ўйлайманки, бу инсонлар келгусида ҳаётда ўз ўринларини топишида ҳам сенаторларнинг алоҳида ғиссаси бўлади.

Агар ўз вақтида зарур чораларни кўриб, афв этилганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминламасак, афв этиш тўғрисида биз қабул қилган фармонларнинг обрўси, таъсири нима бўлади?

**Тўққизинчидан**, Сенат давлат идораларининг жамиятда хотин-қизлар ролини ошириш борасидаги фаолияти устидан назоратини кучайтириши лозим.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастури доирасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Барча даражадаги раҳбарларга аёллар, айниқса, ёш қизларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатишни асосий вазифа сифатида белгиладик.

Ана шу вазифалар ижросини ташкил этиш ва назорат қилишда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси муайян иш олиб бормоқда. Келгусида ҳам мазкур қўмита гендер тенгликни таъминлаш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш оид вазифалар ижросини мунтазам ўрганиб бориши зарур. Бунинг натижаси бўйича мазкур раҳбарларнинг ҳисоботини эшитиб, уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга кўмаклашиш лозим.

Албатта, Сенатда бу борада озми-кўпми ишлар қилинмоқда. Лекин, афсуски, маҳаллий Кенгашларда бу масала бўйича эътиборга лойиқ муҳокама деярли ўтказилмаган.

Ижро органларида, ваазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, мухтарам опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётини муаммоларини бошқалардан кўра чуқурроқ библиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлади.

**Ўнинчидан**, Сенат фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларни янада кучайтириш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқори палатамиз жамоатчилик, айниқса, оммавий ахборот воситалари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Сенат фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди ва юқори палатанинг махсус веб-портали яратилди.

Сўнгги пайтларда Сенат мажлисларини жонли эфир орқали намоиш қилиш амалиётининг жорий этилиши халқлик парламентни шакллантиришнинг муҳим омилли ва халқ олдига ҳисобот беришини самарали воситасига айландирди. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш зарур. Шунингдек, Сенатда бу борадаги ижобий амалиётни маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳам жорий этиш яхши натижа беради, деб ўйлайман.

Навбатдаги долзарб вазифа — парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Бу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Икки палатали парламент ташкил этилганидан бошлаб ҳозирги кунга қадар жами 9 та қонун Сенат томонидан рад этилган. Ушбу кўрсаткич 2005 йилдан бугунги кунга қадар қабул қилинган барча қонунларнинг атиги 1,5 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич ақсарият ривожланган давлатларда бундан бир неча бор юқори эканини қайд этмоқчиман.

Биз қонуннинг Сенат томонидан рад этилишига салбий ҳолат деб эмас, аксинча, сифатли қонунларни қабул қилишга қаратилган демократик жараён сифатида баҳо беришимиз лозим.

Яна бир муҳим масала — қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш Сенатнинг конституциявий ваколати ҳисобланади.

Айрим ҳолларда қонунларни амалга ошириш механизми бўлмагани уларнинг тўлиқ ишламаслигига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бундай механизм қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бўлса-да, уларда ўзаро мувофиқ келмайдиган ҳолатлар мавжуд.

Давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш бевосита Адлия ваазирлигининг вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтага назардан, Адлия ваазирлигининг бу борадаги фаолияти парламент назоратининг марказида бўлиши лозим.

Маълумки, парламент фаолиятини сифатли ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлаш мақсадида Қонунчилик муаммолари ва парламент тақдиротлари институти ташкил этилган эди. Ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, мазкур институт фаолиятини янада кучайтиришимиз, уни депутат ва сенаторларнинг чинакам қўмақчисига айлантиришимиз лозим. Хусусан, қонун лойиҳаларининг кизгин муҳокамасини ўтказиш ва қабул қилинган қонунларнинг амалиётдаги таъсирчанлигини баҳолаш бўйича институт фаолиятининг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Шу боисдан ҳам парламент мазкур институт фаолиятини тубдан такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим масала — хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда юқори палатанинг ролини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, халқаро алоқаларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш Сенатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади. Сенатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти самарасини кучайтириш мақсадида ҳар йили аниқ бир мавзуга бағишланган халқаро конференциялар, учрашув ва форумлар ўтказиш учун режалар ишлаб чиқиш ва уларни ташқи ишлар ваазирлиги билан биргаликда амалга ошириш лозим. Масалан, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа долзарб масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сенат хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича ҳар йили дастурлар қабул қилиб, ижросини катъий назоратга оlesa, бу яхши амалиёт бўлган бўларди. Шу мақсадда Парламент дипломатияси концепциясини қабул қилишни тезлаштириши керак.

Шу билан бирга, Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорликни аниқ ва узоқ мuddатли иш режалари асосида давом эттириш лозим. Бундан ташқари, Олий Мажлис аъзо бўлиши қўйилаётган Туркий тили давлатлар Парламент ассамблеяси ва бошқа халқаро парламент тузилмалари доирасида ҳам ҳамкорликни кучайтириш керак.

Бу борада бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчиларини тайинлаш Сенатнинг вазифаси бўлиб, бу жараёнда уларнинг келгуси фаолияти учун белгилаб олган дастурлари эшитилади. Лекин, ундан кейин-чи? Сенат билан элчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришга зарурат борми? Албатта, бор. Шу сабабли Сенатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги вазифаларини

амалга оширишда юқори палатада Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйишимиз керак.

Ҳурматли сенаторлар! Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Сенат Раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Ана шу нормага асосан, кўпчилик, жумладан, тажрибали сенаторлар билан маслаҳатлашиб, чуқур ўйлаган ҳолда, мен Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига сенатор Танзила Камаловна Нарбаева номзодини тақдим этмоқчиман.

Танзила Камаловна сўнгги 30 йилда турли масъулиятли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. 1995–2010 йилларда Вазирлар Маҳкамасида оналик ва болалик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари билан шуғулланган. 2010–2016 йилларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, 2016–2019 йилларда Бош ваазир ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида самарали меҳнат қилди. Охириги олти ойда Сенат Раиси сифатида катта ишларни амалга оширди.

Танзила Камаловна бошқарув, жамоат ишларида катта тажриба тўплаган малаkali раҳбар кадрларимиздан бири, десак, муволага бўлмайди.

Мухтарам сенаторлар! Бугун барчангиз ушбу номзодни тўлиқ қўллаб-қувватлаганингиз ва ўз ҳурматингизни билдириганингиз Танзила Камаловнага катта ишонч ва гайрат бағишлаши шубҳасиз.

Ҳурматли Танзила Камаловна, Сизга масъулиятли фаолиятингизда янги омадлар ва улкан зарфарлар тилайман.

Энди Сенат Раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу вазифаларга қуйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сенатор Содиқ Солиҳович Сафоев номзодини тавсия этаман.

Бу киши салкам 30 йил давомида ташқи сиёсат ташқи иқтисодий масалалар соҳасида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Турли йилларда ташқи ишлар ваазирлиги, Ўзбекистоннинг Германия ва АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган. 2005–2016 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси, 2016 йилдан буюн эса Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Содиқ Солиҳовични барчангиз мохир дипломат, халқаро майдонда танилган жамоат ароби сифатида яхши биласиз. Бу раҳбар ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муносиб адо этишига тилакдошман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Муса Тажетдинович Ерниязов номзодини тавсия этаман.

Бу олижаноб инсон, оқсоқолимиз ўз фаолиятини қуришти соҳасида бошлаб, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Ваазирлар Кенгаши раиси ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Қорақалпоқ элининг катта ҳурмат ва эҳтиромини қозониб, 2002 йилдан буюн Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари сифатида ишлаб келмоқда.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ислохотлар жараёнидаги фидойилиги, ибратли фаолияти учун Муса Тажетдиновичга Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон берилганидан барчангиз хабардорсиз.

Бу кўпни кўрган, тажрибали ва ташаббускор раҳбар, камтарин ва меҳнатқаш инсон билан сенаторлар биргаликда самарали ишлайдилар, деб ишонаман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Зайниддин Маҳаматович Низамходжаев номзодини тавсия этаман.

Тиббийёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Зайниддин Маҳаматовични бу залда ўтирганларнинг ҳаммаси яхши танийди, деб ўйлайман. Узоқ йиллар давомида халқимизнинг сийҳат-саломатлиги, фан, таълим, маданият ва спорт соҳалари тараққиёти йўлида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу киши охириги 5 йилда Олий Мажлиснинг тегишли қўмитаси раиси сифатида фаол иш олиб бормди.

Зайниддин Маҳаматович янги масъулиятли лавозимда сизлар билан яқин ҳамкорликда муваффақиятли фаолият кўрсатишига ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Албатта, ҳозир айтиб ўтилган вазифалар барча сенаторлардан юксак масъулият, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади. Ушбу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши Сенатни келгусида профессионал палатага айлантириш борасида дастлабки муҳим кадам бўлади, деб ишонаман.

**Бугун кўп миллатли халқимиз биз, раҳбарлардан, авваламбор, янги сайланган депутат ва сенаторлардан ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этишга қаратилган амалий ишларни кутмоқда. Барчамиз сайловчилар олдида, юртдошларимиз олдида бизга билдирилган юксак ишончга ҳар томонлама муноси бўлишимиз керак.**

Ҳар кун, ҳар соатда виждонимиз олдида ҳисобот бериб, ҳалол-поқ бўлиб, эл-юрт манфаатини ўйлаб ишласак, мен аминман, халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Мана шундай эзгу мақсад йўлида барчангизга сийҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омад тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.



**Ҳазрат Навоийга қадар туркий тилда ижод қилган адиб ва шоирлар тилининг назарий масалалари билан шуғулланмаган. Шу маънода айтиш мумкинки, шоир "Хамса", "Махбубул-қулуб", "Муншоот", "Вақфия", "Муҳокамат ул-луғатайн" каби асарлари билан ўзбек адабий тилининг бадий ва илмий асарлар яратиш, шунингдек, давлат ишлари, дипломатик муносабатларда фойдаланиш учун бой имкониятларга эга эканини ҳам назарий, ҳам амалий томондан исботлаб берди. Ҳусайн Бойқаро таъбири билан айтганда, сўз мулкнинг соҳибқиронига айланди.**

Алишер Навоий тил, тилларнинг вужудга келиши ҳақида қимматли мулоҳазаларни қайд этади. Алломанинг "Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин" мисраси олимлар ўртасида хилма-хил фикрлар юритилишига сабаб бўлган. Баъзи олимлар мутафаккирнинг зикр этилган фикри асосида инсоннинг майдондан пайдо бўлганига ишора қилади. Натияжада шоир дунёнинг эволюцион йўл билан юзага келганини, бир турдан иккинчи турнинг келиб чиққанини Ч.Дарвиндан анча олдин эътироф қилади, деган фикрни илгари суради. Аслида Навоийнинг юқоридаги мисраси ислом таълимотидаги дунёнинг пайдо бўлиши, инсоннинг дунёга келиши ҳақидаги қарашларнинг намоён бўлишидир. Мутафаккир инсонни сўзлаш қобилиятига эга махлуқот санайди. Инсон комилликка эришмоқ учун ўзини ҳайвоний хирслардан тазолаш лозимлигини таъкидлайди. Кўриниб турибдики, шоирнинг инсон сўз орқали ҳайвондан ажралиб чиққани ҳақидаги фикри ислом оламидаги анъанавий қарашнинг давомидир. Қолаверса, ҳазратнинг "Лайли ва Мажнун" дostonида келтирилган куйидаги байти қайд этилган даъвога жавоб вазифасини ўтайди:

**Дад ҳар сори кетмас кетмас ўлмас,  
Насносни одам этмас ўлмас.**

Дунёдаги тиллар, уларнинг келиб чиқиши тўғрисида мутафаккирлар кўндал буён мулоҳазалар юритиб келган. Натияжада тилларнинг келиб чиқиши ҳақида хилма-хил фикрлар шаклланди. Булардан кенг тарқалган барча муқаддас китобларда бир хил тақдорланувчи Нух пайгамбар тўғрисидаги маълумотлардир. Жаҳондаги барча халқлар ва уларнинг тиллар тарқалиши Нух пайгамбар ҳамда фарзандларининг тўфонда турли томонга тарқалиши билан изоҳланади. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асариди тилнинг келиб чиқиши, ижтимоий моҳияти борасида шундай ёзади: "Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва муътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари билан қойилининг (сўзловчи) адосига зевар (безак) ва ҳар қайсининг фуруи (тармоқлар, шохобчалар) бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаи дурки, Нух пайгамбар салавотуллоҳи алайҳини уч ўғлигаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур етишур".

Таъкидлаш жоизки, бу ўринда Навоий сўз ўзлаштириш, бошқа тиллардан сўз олиш масаласига ҳам эътибор қаратади. Қолаверса, шоир ижод қилган даврда араб тили илм-фан, форсий эса бадий адабиёт тили даражасига айланиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам Навоий ўз асарларида араби ва форсий сўз ва ибораларни кўлаб қўлаган ва буни табиий ҳол деб билган. Ўз асарларида ном қўйишда ҳам анъанага мувофиқ арабча сўз ва ифодалардан фойдаланган. Бундан англашиладики, ижод жараёнида Навоий ҳал қилган лисоний муаммолардан бири – бошқа тиллардан сўз олиш муаммоси, биринчи навбатда, араб тилига алоқадор бўлган. Бунда, ҳеч шубҳасиз, шоирнинг Қуръон тилини мукамал билгани (унинг арабча луғат тугани маълум) катта ўрин тутган. Навоий замонида Мовароуннахр ва Хуросонда форсийнинг маквеи баланд бўлгани, туркийда ижод қилган адиблар ундан андоза олгани учун бу тилдан туркийга сўз ўзлаштиришга ҳеч қандай монелик қилмаган. Шу боис Алишер Навоийнинг поэтик ва илмий асарлари сўз бойлигининг таҳминан 30-33 фоизини араб тилидан кирган сўзлар ташкил қилади. Форс-тожик лексик элементлари 18-20 фоизгача боради. Баҳром Бафоевнинг ёзишча, Навоий араб-форс тилларидан фойдаланганда, уларнинг туркий тилга ўзлашиб, сингиб кетадиганларига кўпроқ мурожаат қилади. Шу билан бирга, шоир ҳар уч тилнинг имкониятларидан фойдаланиб, янги маъноли сўзлар – неологизмлар яратади. Алишер Навоий яратган янги сўз, янги маънолар туркий тиллар доирасидан чиқиб, форс-тожик тилининг ҳам луғат фондига бойитган.

Темурийлар даврида ҳужм сурган тил вазияти ва унинг Навоий тилига таъсири масаласи, туркий шоирларнинг кўпчилиги форс тилида ижод қилгани, уларнинг ўз она тилидан кўра форсийда қалам тебратишининг сабаблари, форс тилида ёзиш одати, анъанага айлангани ҳақида "Муҳокамат ул-луғатайн"да қуйидагиларни ўқиймиз: "...туркнинг улугдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидин баҳраманддурлар, андоқким ўз хи-

ра, ижтимоий моҳияти борасида шундай маълумотларни ўқиймиз: араб тили фосоҳати, мумтоз ва бадий ифодаси, гўзаллиги билан мўъжиза кўрсатувчидир. Чунки бу тил билан тангрининг каломи нозил бўлди ва Расул алайҳис-салавоту васалламнинг саодатга йўловчи хадислари етиб келди: "Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва муътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари билан қойилининг (сўзловчи) адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруи (тармоқлари, шохобчалари) бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаи дурки, Нух пайгамбар салавотуллоҳи алайҳини уч ўғлигаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур етишур".

Таъкидлаш жоизки, бу ўринда Навоий сўз ўзлаштириш, бошқа тиллардан сўз олиш масаласига ҳам эътибор қаратади. Қолаверса, шоир ижод қилган даврда араб тили илм-фан, форсий эса бадий адабиёт тили даражасига айланиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам Навоий ўз асарларида араби ва форсий сўз ва ибораларни кўлаб қўлаган ва буни табиий ҳол деб билган. Ўз асарларида ном қўйишда ҳам анъанага мувофиқ арабча сўз ва ифодалардан фойдаланган. Бундан англашиладики, ижод жараёнида Навоий ҳал қилган лисоний муаммолардан бири – бошқа тиллардан сўз олиш муаммоси, биринчи навбатда, араб тилига алоқадор бўлган. Бунда, ҳеч шубҳасиз, шоирнинг Қуръон тилини мукамал билгани (унинг арабча луғат тугани маълум) катта ўрин тутган. Навоий замонида Мовароуннахр ва Хуросонда форсийнинг маквеи баланд бўлгани, туркийда ижод қилган адиблар ундан андоза олгани учун бу тилдан туркийга сўз ўзлаштиришга ҳеч қандай монелик қилмаган. Шу боис Алишер Навоийнинг поэтик ва илмий асарлари сўз бойлигининг таҳминан 30-33 фоизини араб тилидан кирган сўзлар ташкил қилади. Форс-тожик лексик элементлари 18-20 фоизгача боради. Баҳром Бафоевнинг ёзишча, Навоий араб-форс тилларидан фойдаланганда, уларнинг туркий тилга ўзлашиб, сингиб кетадиганларига кўпроқ мурожаат қилади. Шу билан бирга, шоир ҳар уч тилнинг имкониятларидан фойдаланиб, янги маъноли сўзлар – неологизмлар яратади. Алишер Навоий яратган янги сўз, янги маънолар туркий тиллар доирасидан чиқиб, форс-тожик тилининг ҳам луғат фондига бойитган.

Темурийлар даврида ҳужм сурган тил вазияти ва унинг Навоий тилига таъсири масаласи, туркий шоирларнинг кўпчилиги форс тилида ижод қилгани, уларнинг ўз она тилидан кўра форсийда қалам тебратишининг сабаблари, форс тилида ёзиш одати, анъанага айлангани ҳақида "Муҳокамат ул-луғатайн"да қуйидагиларни ўқиймиз: "...туркнинг улугдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидин баҳраманддурлар, андоқким ўз хи-

рад аҳволига кўра айта олурлар, балки баъзи фосоҳат ва балоғат била ҳам тақаллум қилурлар. Хатто турк шаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар. Аммо сорт улусининг арзолидин ашрофигача ва омийсиндин донишмандигача ҳеч қайси турк тили била тақаллум қила олмаслар ва тақаллум қилгоннинг маънисин ҳам билмаслар. Агар эъдин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўзга айтса ҳам, ҳар киши эшитса билур ва анинг сорт эканин фаҳм қилур". Кўриниб турибдики, туркий аҳолининг каттаю кичиги, хизматчидан тортиб амалдоригача форсий тили яхши билган ва бу тилда чиройли, раван ҳамда бонқсон сўзлашган, шоирлари гўзал шеърлар битган. Бироқ форсийзабон улуснинг оддий кишисидан эътиборли инсонларигача, илмисидан доносигача туркий тилда сўзлай олмаган ва гапирганларининг ҳам маъносини тушулмаган.

Шоир "Муҳокамат ул-луғатайн" асариди ўзи тўғрисида гапириб, шеър ёзиши форс тилида бошлаганини айтди. Лекин тушуниш ёшига етиб, туркий тил ҳақида фикр юритиш эҳтиёжи туғилган, унинг кўз ўнгига зебу зийнатлари сон-саноксиз ўн саккиз минг оламдан ортиқ олам намоён бўлгани, фазилат ва етуқликда чек-чегараси бўлмаган тўққиз фалақдан ортиқ фалақ кўргани, дур ва гуллари юлдузлардан равшанроқ ҳазина ва гулшан учратгани, аммо бу оламга ҳеч қимнинг қадами етмагани ва кўли тегмагани ҳақида ёзади: Чун мазкур бўлгон қоида биланки, адо топти – майл форсий сари бўлди. ...ўн саккиз минг оламдин ортуқ, анда зебу зийнат, ва сипехре таъбага маълум бўлди, тўққуз фалақдин ортуқ, анда фазлу рифъат, ва маҳзане учради, дурлари қавокиб гавҳарларидин рахшандарок, ва гулшане йўлуқти, гуллари сипехр ахтаридин дурхандарок, ҳарими атрофи эл аёғи етмақдин масун ва ажноси гаройиби гайр илги тегмақдин маъмун. Аммо маҳзаниннинг йилони хунҳор ва гулшаниннинг тикани беҳадду шумор. Хайлга келдиким, ҳамоноқи, бу йилонлар неши наштаридин таъб ахли хирадмандлари бу маҳзандин баҳра топмай ўтуптурлар ва кўнгулга андоқ эврлдиким, гўё бу тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул илиқлай олмай йўл тутубдурлар.

"Муҳокамат ул-луғатайн"да туркий халқ ва қабила, қавмлар тили, Мовароуннахр ва Хуросондаги иркий ҳамда шевага хос манзара алоҳида тилга олинган. Етмиш икки тил, етти иқлимнинг ҳар бирида неча мамлакат ва вилоят борлиги, ҳар қайси мамлакатда қанча шаҳар, қасаба (қишлоқ), кент мавжудлиги, бу жойларда, даштларда, оролларда, дарё соҳилларида турли улус ва қабила-лар яшаши, туркий тиллар, туркий лаҳжа ҳамда шевалар тўғрисида қайд этилади: "Агар муболагасиз ижмол эъзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса, етмиш икки навъ била тақсим топариди, худ ҳеч сўз йўқтурки, етмиш икки фирқа каломига далолат қилгай, аммо улча тафсилйдур. Улдураким, рубъи маскуннинг етти иқлимидин ҳар иқлимда неча кишвар бор ва ҳар кишварда неча шаҳар ва қасаба ва кент ва ҳар даштда неча хайл-хайл саҳронишин улус ва ҳар тоғнинг кўлларида ва қулларарида ва ҳар баҳрнинг жазойирида ва савахилида не тавойиф бор. Ҳар жамоат алфози ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати ёнарларидин мутағаййир ва бир неча хусусият била мутамаийиздурки, ўзгаларда йўқтур".

"Муҳокамат ул-луғатайн" асариди умумий тарзда зикр этилган улус, қабила, жамоат ва гуруҳларнинг қайси қабила, уруғ, халққа мансублиги очик кўрсатилмаган. Бироқ шоир асарлари тилининг таҳлили бу масалага ойдинлик киритишга кўмаклашади. Илмий изланишлардан айён бўладики, мутафаккир асарларида қарлуқ, ўғиз ва қипчоқ лаҳжаларига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Сир эмаски, Навоийга қадар адабий тиллар юзага келган бўлиб, улар бири-бирдан фарқ қилар эди. Навоий даҳосининг қудрати шунда қузатиладики, у ўзининг амалий-бадийий фаолияти билан турли тил, лаҳжа ва шеваларга хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларни умумлаштирди, муайян меъёрга солиб, сайқаллаштирди. Шу тариқа, ягона адабий тилга асос солиб, уни юқори чўққига олиб чиқди. Кези келганда айтиш керакки, бу тил Хитойдан Хуросонгача бўлган катта ҳудудда яшовчи барча туркийлар учун адабий тил вазифасини ўтаган.

**Бахтиёр АБДУШУКУРОВ,**  
**филология фанлари доктори**

**Халқ депутатлари  
Олмазор тумани Кенгаши  
ҚАРОРИ**

**ОЛМАЗОР ТУМАНИНИНГ  
2020 ЙИЛ УЧУН  
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ  
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашининг маҳаллий бюджетларини бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар қисмида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Олмазор тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги "2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 521/63-5-сонли қарори (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қонунга асосан 2020 йилда:
  - а) Куйидаги солиқ турлари Олмазор туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилди:
    - жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
    - жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
    - сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно.
  - б) Куйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Олмазор туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланган:
    - яқний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;
    - айланмадан солиқ;
    - айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;
    - мобиль алоқа хизмати ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ;
  - в) Куйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:
    - умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ўшбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишли туманлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади).
  - г) Куйидаги харажатлар Олмазор туман маҳаллий бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:
    - фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;
    - давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказини сақлаш харажатлари.
3. Қарорнинг:
  - 4-иловасига мувофиқ, Олмазор тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиги;
  - 7-иловасига мувофиқ 2020 йил учун Олмазор тумани бюджетидида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори **1 948 410,0 миңг сўм** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
  4. 2020 йил учун Олмазор тумани маҳаллий бюджетиди даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.
  5. 2020 йил учун Олмазор тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
  6. 2020 йил учун Олмазор туман бюджети захира жағмараси ҳажми **2 021 027 миңг сўм** миқдоридида белгилансин ҳамда захира жағмараси маблағларини туман бюджетидида кўзда тутилганда, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.
  7. Олмазор туман ҳокимлиги, туман молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилар:
    - туман бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, доридармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олинсин;
    - ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойнинг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга бюджет маблағларини тақсимловчилари қисмида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;
    - туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши таъминлансин ҳамда веб-сайтларга уларнинг натижаларини жойлаштирсин.
  8. Олмазор туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг **1-иловасида** келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фойздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ўшбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солуви бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан тақлифлар киритади.
  9. Олмазор туман ҳокимлиги:
    - Қонуннинг 24-моддасига асосан, тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.
    - бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб бурсин.
    - Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.
  10. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Олмазор туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши раиси Б.Рахмонов**  
2019 йил 19 декабрь

**Реклама ва эълонлар**

**"Янгибод иختисослашган бозори" МЧЖ ҳудудидаги ижарага бериладиган бўш жойлар борлигини маълум қилади**

	Ҳудуди	Умумий майдони	Шартнома бўйича	Бўш жойи
1-сонли ошхона	1-ҳудуд	235.5	120	115.5
2-сонли ошхона	2-ҳудуд	170	133.8	36.2
3-сонли ошхона	2-ҳудуд	207.14	103	104.14
4-сонли ошхона	4-ҳудуд	268.45	65	203.45
5-сонли ошхона	3-ҳудуд	160.26	21.9	138.36
6-сонли ошхона	3-ҳудуд	183.83	98	85.83
1-сонли дўкон	Катта Янгибод к.	221.98	81.83	140.15
1-сонли оғборхона	1-ҳудуд	126.29	27	99.29
2-сонли дўкон	1-ҳудуд	196.46	61	135.46
3-сонли дўкон	Толариқ-1	58.22	44.55	13.67
7-сонли ошхона	2-ҳудуд	71	60	11
4-сонли дўкон	1-ҳудуд	51.87	17.36	34.51
5-сонли дўкон	1-ҳудуд	37.62	23.4	14.22
8-сонли ошхона	4-ҳудуд	58.74	44.2	14.54
2-сонли оғборхона	4-ҳудуд	52	44.46	7.54
Маиший хизмат	4-ҳудуд	69.7	30	39.7

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Янгибод тумани, Толариқ кўчаси, 1-уй. Телефон: 298-39-29.

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва  
"ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Юнусобод тумани, 12-мавзе, 30-уй, 105-хонадон эгаси Черната Мария Николаевна номига 12.02.1993 йилда берилган N10-01/5723 рақамли Давлат далолатномаси ва Юнусобод туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



# ЁШ МАТЕМАТИКЛАРНИНГ АВСТРАЛИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

2020 йилнинг 17-20 январь кунлари Австралиянинг Голд-Кост шаҳрида Жануби-Шарқий Осиё математика олимпиадаси бўлиб ўтди.

Халқаро фан олимпиадаси Сингапур давлатининг Терри Чю институти томонидан ташкил этилган бўлиб, унда давлат ва нодавлат мактабларининг 1-11-синф ўқувчилари қатнашди. Олимпиадада 18 та давлатдан жами 1044 та иштирокчи қатнашди. SEAMO халқаро математика олимпиадасида юртимиз вакиллари ижобий натижаларни қайд этди. Бухоро вилоятидаги Қоракўл халқаро математика мактабининг 10-синф ўқувчиси Беқод Нуриддинов олтин медалга сазовор бўлди. Вестминстер халқаро мактабининг 6-синф ўқувчиси Хорун Салиев эса бронза медалини қўлга киритди. Жумладан, пойтахтимизнинг 91-мактабининг 10-синф ўқувчиси Темурбек Йўлчиев, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 45-мактабининг 6-синф ўқувчиси Санжарбек Фуломжонов, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 10-мактабининг 8-синф ўқувчиси Шахзода Жумабоева математика олимпиадасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

# СПОРТ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ

Шаҳримизда Президентимиз томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни мактабларда кенг жорий этиш ва шу йўналишларда тадбирлар, мусобақалар ва танловлар ташкил этишга алоҳида эътибор қарати келинмоқда.

Миробод туманидаги 125-сонли умумтаълим мактабида ҳам бу каби тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири “Мактаб футбол лигаси” ташкил этилди. Ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад ўқувчи-ёшларни спортга кенг жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тар-

Дилафрўз МАНАЗАРОВА

1991 йилнинг сентябрида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб чиқиш кетилишининг олдини олиш бўйича Инспекция” ташкил этилди. Сабаби, эндигина муқтаил бўлган давлат ҳудудий чегараларининг очиқлиги ва назоратнинг йўқлигидан фойдаланиб, қўллаб-қувватлов истаъмоқ товарлари катта миқдорда қўшни давлатларга олиб чиқиш кетила бошланган эди.

# БОЖХОНА ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ЖАСОРАТИ

Божхона органларининг нуфузини ва масъулиятини янада ошириш мақсадида, Давлат божхона қўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Божхона тизимини ташкил этилишида ва божхона тизимини ривожлантиришда бир қатор ҳамкасбларимиз фидокорона хизмат қилдилар. Авалламбор, олдий халқ орасида божхона хизмати фаолияти нимадан иборат эканлиги тўғрисида кенгроқ маълумотлар бериш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, божхона хизмати мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлайди, яъни ҳорижлик меҳмонлар ва фуқаролар томонидан чегарадан ноқонуний товарлар (ғиёҳвандлик моддалари, қурол-яроқ, диний экстремистик адабиётлар, валюта ва бошқа бойликлар)ни кириб келишининг олдини олиш мақсадида, масалан, халқаро аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва автотранспорт воситаларида ўтадиган йўловчилар ва уларнинг қўл юклари чегара божхона постларида божхона кўригидан ўтказилади. Иккинчидан, ҳар қандай товар-моддий бойликларини олиб кириш ва олиб чиқишда божхона кўриги ва божхона расмийлаштирувни ўтказиб, улардан божхона тўловларини давлат бюджетига ундириб, мамлакатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини ҳимоя қилади. Учунчидан, божхона тизими халқаро меъёр талаблари асосида фаолият юритади, божхона ички бозорини ҳимоя қилишда тарози палласи вазифини бажаради. Яъни, тарози палласини бир томонга қаттиқ оғиб кетишни олдини олиш мақсадида, доимо тарози палласларини бирдек ушлаб туриш талаб этилади. Бундай машаққатли вазибаларни бажариш учун божхона ходимларидан билим, малака ва энг асосийси Ватанга садоқатли, маънавий етук инсон бўлиш талаб этилади.

Муқтаил Ўзбекистон божхонаси истиқлолнинг илк йилларида, яъни 1992 йилда Умулжаҳон божхона ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Мамлакатимиз ўтган давр мобайнида божхона амалиётлари билан боғлиқ 20 га яқин халқаро конвенцияларга аъзо бўлди. Республикаимиз божхона органлари бир қатор йирик халқаро ташкилотларнинг божхона ишига доир дастур ва лойиҳаларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб, тақомиллашган инфратузилмага эга бўлган, божхона хизмати мамлакатимиз иқтисодий суверенитетини ҳимоя қилишнинг таъминлайдиган муҳим давлат бошқарув тизимларидан бирига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли тизимли ислохотлар доирасида миллий божхона хизмати бошқарувини тақомиллаштириш, моддий-техника базасини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатларда жорий этиш, соҳа фаолиятининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар

билан йўлга қўйилган ўзаро самарали ҳамкорлик аввало, божхона органларини модернизациялаш ва янада тақомиллаштириш, божхона ишининг ҳуқуқий асослари ва божхона назорати жараёнини халқаро стандартларга уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилган ислохотлар қаторида, божхона соҳасида руҳсат бериш тартиб-тоғимлари кескин қисқартирилгани, экспортга юклари расмийлаштиришда “Ягона дарча” тамойилининг жорий қилинганлиги, божхона юк декларацияларини электрон шаклда расмийлаштиришнинг йўлга қўйилиши, экспортбоп маҳсулотларни тайёрлашда четдан олиб келинадиган ишлар чиқариш ускуналари, технологик жиҳозлар ва бутловчи қисмларга божхона тўловларидан имтиёзлар берилганлиги ва бошқалари санаб ўтиш мумкин.

Бугун касб байрами арафасида божхона фахрийларини эслаш ва ёшларга ўрнак қилиб уларнинг хизматларини эътироф этиш мақсадида мувофиқ, Аллақачон тарих зарураликларига кириб улгурган божхона иши фаолиятини божхонамиз фахрийлари фахр ва ифтихор билан эслайдилар. Жумладан, Заҳирадаги биринчи божхона хизмати генерал-майори, Собит Ахмадович Алимбоев – Божхона хизматига раҳбар бўлиб тайинланганда (1994 йил), божхона ходимлари ҳар хил қийин бош формада эди. Уларни тадбиркорлардан, яъни Ташки иқтисодий фаолият (ТИФ) қатнашчиларидан фарқлашнинг имкониятини йўқ эди. Биринчи навбатда, божхона ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, махсус формасини тасдиқлаш долзарб вазибалардан бири эди. Божхона-бошқич бу вазибалар амалга оширилди. Божхона ишига оид қонунлар қабул қилинди ва божхонанинг вазибалари ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилди. Замонавий божхона постлари қурилди, божхона чегаралари замонавий техника воситалари билан таъминланди. Албатта, бу вазибаларни амалга ошириш қийин кечди, бевосита давлатимиз раҳбарининг ёрдами ва кўмағида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижанда, бугунги замонавий божхона хизмати шаклланди.

Божхона тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни сўзсиз илм-фан ютуқларисиз амалга ошириб бўлмайди. Миллий божхона хизмати шаклланиб бориш даврида, божхона тизимида юқори малакали офисерлар ва олимлар ҳам етишиб чиқди. Ҳуқуматимиз раҳбарияти доимо божхона хизмати ходимларини рағбатлантириб, энг муносибларини давлат мукофотлари билан тақдирлади. Қўллаб-қувватлов божхона ходимлари орден ва медаллар, фахрий унвонлар билан мукофотландилар. Шунингдек, уларга энг юксак махсус ҳарбий генерал унвонлар ҳам берилди.

Курбонкул КАРИМҚУЛОВ, ДБК Божхона институти кафедра мудирини, техника фанлари доктори, профессор



Маданият

# ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида “Ўзбекистон манзаралари” акцияси иштирокчиларининг ҳисобот кўрғазмаси ўтказилди.

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси томонидан ўтказилган тадбирда рассомлар, санъатшунослар, маънавият тарғибчилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов ва бошқалар юртимизда келажақ авлод таълим-тарбияси, уларнинг иқтидорларини янада шакллантириш учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус амалиётининг жорий этилиши ёшларимиз ҳаётида янги имкониятларга йўл очганини таъкидлади. “Ўзбекистон манзаралари” акцияси ўтган йилнинг октябрий ойидан бошланган эди. Акция доирасида Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари иштирокида мамлакатимизнинг манзаралари жойларида пленэрлар ташкил этилиб, гузал табиат манзаралари тасвирланди. Ижодкорлар коллекциялари бетакрор асарлар билан бойиди. Хисобот кўрғазмида Аноркул Бойбеков, Фанишер Ҳайдаров, Усмон Мамажонов, Чори Бекмиров, Дилором Мамедова, Абдуҳаким Каримов, Усмон Мамажонов, Дилмурод Йўлдошев, Махмуджон Қазиев, Валерий Енин ва Виктория Трошиналар каби таниқли рассомлар билан бир қаторда Маҳаммадсоли Аҳмедов, Наби Пирназаров, Ма-

мадали Пўлатов, Расулжон Эсонов, Жавахир Аввалбоев, Ўринбой Қамбаров, Жамол Раҳимов, Ботирали Умаров, Абдулла Ражабов, Алишер Ҳамдамов, Муҳаммадхон Сатторов, Ферузжон Жумаев, Бунёд Каримов сингари истеъдодли ёш рассомларнинг асарлари ҳам намойиш этилди. Кўрғазма экспозициясидан жой олган “Уйга қайтиш”, “Зилол сув”, “Ёмғирдан сўнг”, “Қуз узра”, “Онам сиймоси”, “Менинг юртим”, “Баҳордаги қорли салтанат”, “Тун пардаси” каби картиналардаги тасвирларда она табиат манзаралари, улкамизнинг беқиёс гузаллик кашф этган тасвирларини мусаввирлар ижоди орқали томоша қилар эканмиз, жаннатмакон она диёримизнинг нақадар мафтункорлигини ва заминимизнинг нечоғлиқ муқаддас ва азиз эканлигини яна бир бор кашф этгандек бўлди назаримда. – Ушбу акцияни ўтказишдан кўзланган мақсад амалий санъат усталари ва рассомлар иштирокида юртимизнинг манзаралари жойларида пленэрлар ташкил этиб, табиат манзараларини тасвирлаш ва яратилган асарларни туризмни ривожлантириш бўйича нашр этиладиган альбом учун тавсия этишдан иборат, – деди Ўзбекистон Бадий академияси матбуот котиби Қоҳрамон Қўлдашев. – Маъzur акция ижодкорларимизни рағбатлантириш, уларнинг ижодий жараёнларини оммага намойиш этиш билан бирга ижодий фаолиятларини тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

(Ўз муҳбиримиз)

# Реклама ва эълонлар

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейи томонидан 2016 йилда Жаҳонгирова Эъзога Жаҳонгир қизига берилган L № 284452 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Яшнобод (аввалги Ҳамза) туманидаги 46-сонли КТМ томонидан 1996 йилда Эгамбердиев Бобир Худайберганович номига берилган UZA № 092621 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 19.02.2019 йилда № 689637 рақам билан рўйхатга олинган “GX UNIT” МЧЖ (СТИР: 306161136) жамият устав фонди 1 142 048 580 сўмдан 1 022 600 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Давво ва аризалар Чилонзор тумани, 17-мавзе, 33-уй, 47-хонадонда қабул қилинади.

Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 21.07.2009 йилда № 004891-10 реестр рақам билан рўйхатга олинган “VANOR TRADE EXCLUSIVE” МЧЖ (СТИР: 301267441) жамият устав фонди 7 862 003 172 сўмдан 4 747 003 172 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Давво ва аризалар 98 312-37-34 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2000 йил 30 июнда Шатирова Сара Раджабовна номига берилган № 263277 рақамли (57765-қайд рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ш., Сергели тумани, Дўстлик-1 мавзеси, 23-уйга тегишли бўлган Рўзиева Нафиса Дагаровна номига Сергели тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй плани кадастр хужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти ЎЗМЭИ томонидан 1987 йилда Муратов Худойберди номига берилган ТН № 096004 рақамли фан номзоди дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# Ўз уйингни, ўз болангни – ўзинг асра

# ЁШЛАР СОДИР ЭТГАН ЖИНОЯТЛАР КАМАЙМОҚДА

Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюросида Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан “Ўз уйингни, ўз болангни – ўзинг асра” шиори остида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икромов мамлакатимизда ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрафлича маълумот берди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликни жиловлаш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Худудларда жиноятларнинг барвақт олдини олиш мақсадида “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” таъминоти асосида янги тизим йўлга қўйилди. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ички ишлар органлари зиммасига бир қатор вазибалар юклатилган. Хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари кўриломоқда.

Ушбу вазибаларни амалга ошириш учун ўтган вақт давомида республиканинг ҳар бир туман, шаҳар ички ишлар бўлимида 201 та ёшлар масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари лавозими киритилди. Тизим мутасаддилари томонидан ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа турли йўналишлардаги салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан бирга қишлоқда 13 меморандум, қўшма қарор ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари қабул қилинди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус, яъни ёшларни маданият ва санъатга, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, улар ўртасида компьютер саводхонлигини ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобхонлигини тарғиб қилиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги вазибалар ҳаётга ижтимоий билан татбиқ этилмоқда.

Ёшлар иттифоқи қафиллиги асосида жиноят содир этган 620 ёшга нисбатан енгилроқ, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиб, улардан 580 нафарининг бандлиги таъминланди. Адабиёт жиноят содир этган 88 минг 343 ёш профилактик хисобга олинди, улар билан ўтказилган яқка тартибдаги профилактик ишлар натижасида 42 минг 771 нафари соғлом турмуш тарзига қайтарилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ёшлар ўртасида жиноятчиликка нисбатан муросасизлик муҳити шаклланди. 2019 йилда ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2018 йилга нисбатан 2 минг 883 тага камайгани бунинг тасдиғидир.

Тадбирда вазирлик томонидан мамлакатимизда ҳавфсизликни таъминлаш борасида режалаштирилган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилда ёшларни турли салбий омиллардан асраш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида “Ўз уйингни, ўз болангни – ўзинг асра!” шиори остида кенг қўламли профилактик тадбирлар ўтказилди. Тарғибот тадбирларида ёшлар он-гига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур синдириш борасида ишлар олиб борилди.

Ёш-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга ҳолис ёндашган ҳолда ёшларнинг турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетини шакллантиришга эътибор қаратилади. “Темурбеклар” мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг махсус гуруҳлари ва ҳарбий қисмларга экскурсиялар уюштирилади. Ёшлар ўртасида китобхонлик кенг тарғиб этилади.

Абдулазиз МУСАЕВ

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 23 январь кун ҳаво ўзаариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳардан шарққа йўналиши ўзгаришга шамол секундида 5-10 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4 даража совқ, кундузи – 6-8 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 23 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.